



Tadcqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**28 FEBRAL
№25**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
13-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 13**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 13**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 23 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

| | |
|--|----|
| 1. Мамасидикова Дилноза ХОЗИРГИ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДИЗАЙН ИСТИҚБОЛЛАРИ..... | 7 |
| 2. Abdusalomova Xadicha G'ayratjon qizi АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН СОҲАСИДАГИ РИВОЖЛАНИШЛАР YOХUD YANGICHA O'ZGARISHLAR BILAN YANGICHA HAYOT SARI..... | 9 |
| 3. Ҳожиева Ситорабону Алижон қизи, Наврўзова Гулчехра Негматовна БУХОРО ЗИЁРАТГОҲЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ..... | 11 |
| 4. Абдуллаев Ж.С. ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ АНТИК ДАВРГА ОИД ИНШОАТИ: ШОШТЕПА ШАҲАРЧАСИ..... | 14 |
| 5. Садикова Нилуфар Алимжановна, Салимов Арифджан Муслимович АРХИТЕКТОР – ОЛИМА – ПЕДАГОГ | 17 |
| 6. О.О. Олимова, Дробченко Н.В. КОНТЕЙНЕРНЫЕ И СТРИЖЕННЫЕ РАСТЕНИЯ В ВЕРТИКАЛЬНОМ ОЗЕЛЕНЕНИИ ШКОЛЫ ШКОЛЬНОЙ ТЕРРИТОРИИ..... | 19 |
| 7. Khalmuratova Nasiba Egamberganovna RENOVATIONS OF MEMORIALS IN UZBEKISTAN..... | 21 |



АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ХОЗИРГИ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДИЗАЙН ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Мамасидикова Дилноза

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси йўналиши 2 босқич талабаси
Телефон :+998943621216
dilnozamamasidikova001@gmail.com

Аннотация: Ҳозирги кунда жадал суратлар билан ривожланаётган жамиятда дизайнерларга бўлган талаб ошиб бормоқдаки, камайган емас. Аслида ҳозирги кунда қурилиш соҳаларида дизайннинг ўрни жудаям катта рол ўйнайди. Мазкур мақолада замонавий қурилаётган биноларнинг ташқи ва ички кўринишлари, эстетик кўриниши бугунги кунги маданияти, билими чуқурлашиб бораётганлигига чуқур урғу берилган.

Калит сўзлар: Дизайн, бинолар, саноат графикаси, модельер, технология, эстетика, интернет, замонавий-миллий.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққитининг янги юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан - миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим мақсад қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очик демократик жамият қуриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини яхши англаймиз.[1] Ҳозирги кунда жадал суратлар билан ривожланаётган жамиятда дизайнерларга бўлган талаб ошиб бормоқдаки, камайган емас. Аслида ҳозирги кунда қурилиш соҳаларида дизайннинг ўрни жудаям катта рол ўйнайди. Чунки замонавий қурилаётган биноларнинг ташқи ва ички кўринишлари, эстетик кўриниши бугунги кунги маданияти, билими чуқурлашиб бораётган истеъмолчи дидига, эстетик талабларига жавоб бермай қолмоқда. Чунки буюмларнинг ички техник, функционал эскиришига қараганда ташқи эстетик эскириши тез кечади. Шунинг учун ҳам уларни замонавийлаштириш, модернизациялаш, мутлақо янги функцияга эга бўлган предметлар яратиш иновацион технологиялар жорий қилиш замон талабига айланмоқда.[2]

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, эндигина ривожланиш йўлига тушиб олаётган бўлишига қарамадан, дизайнер, архитектор, конструктор, модельер каби бир қатор яратувчанлик, ижод билан шуғулланувчи кадрлар таёрлаш улар малакасини ошириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бундай мутахасислар таёрлашнинг долзарблигини халқ хўжалигини ижтимоий иқтисодий манавий эстетик транспорт воситалари кийим – кечак станоглар, идиш-товок жихозларининг юзлаб турлари, тезкорлик билан ривожланаётган сервис хизмати, савдо индустрияси, уларнинг рекламаси билан шуғулланувчи саноат графикаси ва шу каби юзлаб бошқа дизайнерлик объектларининг бир стиль, ягона стандартга эга эмаслиги, дизайнер, конструкторлар ақил-заковати билан қайта ишлаш, такомиллаштириш унификациялаштиришга муҳтож эканлигидир.

Ўзбекистон меъморчилиги теран илдизларига эга. Бугунги кунда замонавий-миллий меъморчилиги шаклланиши, айниқса мамлакатимиз мустақиллика эришгандан кейин тез суратлар билан этирилиши шарқона шаклларнинг замонавий услуб ва ёналишларда янги мазмунда жаранглашда узлуксиз двом этиб келаяпти жараённинг ўрни беқиёс. Меъморчиликда шаклланган тажриба ва анъаналар, бисер.

Индустрия, санъат ишлаб чиқариши билан қоришиб кетган бу санъат ҳам аслида озининг чуқур илдизларига десак, хато қилмаган бўлаемиз. Бугун бизни ўраб турган буюмлар



оламнинг нисбатан кам қисмини ташкил этувчи ҳалқимизнинг амалий ва амалий безак саъяти намуналари ҳамда миллий меъморчилигимизни жозибадор қилиб турган текис, энгил хажмий безаклари аслида дизайннинг асарларини белгилаб беради.

Шу оринда дизайн тарихига қисқача назар ташласак инсон фаолияти учун керак бўладиган предметларни қадимда хунармандлар якка тартибда ёки уюшган ҳолда майда сеҳларда ясаган бўлсалар, кейинчалик техника тараққиёти этиб санъат ривожланиб бошлагач, корхоналарда коп миқдорда ишлаб чиқарилган.[3] Буюмлар, асбоб –ускуналар даставвал асосан лойихасиз таёрланган бўлса санъат миқёсига эга яратилажак буюмни лойиха, эскизсиз махсус тасвирларсиз таёрлаш қийин бўлган, сабаби биринчидан, буюмлар мураккаб коринишга эга бўла бошлаган бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни тезлашган. Шунинг учун лойиха эскизлар устида ишловчи, янги буюм ва товарларни мураккаб асбоб – ускуналарни яратувчи махсус касб эгалари пайдо бўла бошлаган. Буюм хусусиятлари, материали, уни таёрлаш жараёни билан яхши таниш бўлган бу касб эгаларини, яни муҳандслик сирларидан воқиб рассомларни конструкторлари деб аташган.

Бугунги кун дизайнерларидан нафақат яхши расм чизиш балки, муҳандислик, иноватция, работо-техника, социология, психология ва физиология менежмент ва маркетинг асарларидан керакли билимларга эга бўлиш; маданият тарихи ва миллий қадриятларимиз билимдони бўлиш янги материаллар ва конструкциялар, илғор технологиялар ва тараққий этган мамлакатлар дизайни янгиликларидан оз вақтида хабардор бўлиб туриш ҳам талаб этилади.

Ўзбекистон дизайни дунёвий дизайн тизимини ажралмас қисми бўлиб, ҳозирда лойиха маданияти мазмуний шаклланиш, илмий-назарий ижодий интеграцион жараёни бошдан кечирмокда. Бинобарин йнинг ҳозирги ҳолатини мукамаллаштириш ва соҳанинг келажак ривожини тامينлаш учун дизайн мутахасислари таёранаётган олий ва орта махсус ўқув юртлари педагог кадрлари ва таълим сифатини ҳалқаро стандартлари даражасига котариш давлат тилида ўқув адабиётлари яратиш, бошқа тилларда мавжуд адабиётлардан таржима қилиш интернет материаллардан ўқув мақсадларда самарали фойдаланиш иноватцион технологияларини жорий қилиш каби масалалар устида ишлашни тақозо этади.

Хулоса орнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда дизайн яратилишини асосий вазифасини бадий фикрлашининг янги коринишлари қидиришдан иборат болмасдан, балкий халқнинг кундан кунга ошиб бораётган талабларига мос иноватцион индустриал маданиятнинг янги-янги ишқалларини барпо этиш ҳам ушбу эзгу мақсад устувор коринишларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида “ 2017 йил 20апрельдаги ПФ-1909сонли қарори \ \ Халқ сўзи , 2017 йил 20апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 16.08.2017йил. ПҚ-3219
3. Маъмура Ирбутаева The importance of the teacher-student system in teaching the fine arts. Academic Research in Educational Sciences Vol.1 No.2.2020 ISSN 2181-1385 Page 399-404
4. Ирбутаева.М.Т., Махмудов.М.Ж.& Махмудов.М.Э.(2020). Живопись и гармония музыки. Учённый XXI века, 6-1(65),31-34.
5. С.Қосимов Дизайн Иноватция Истиқболлари. Санъат – Ёшлар нигоҳида VII.



ARXITEKTURA VA DIZAYN SOHASIDAGI RIVOJLANISHLAR YOXUD YANGICHA O'ZGARISHLAR BILAN YANGICHA HAYOT SARI

Abdusalomova Xadicha G'ayratjon qizi

Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika

Universiteti Texnologik ta'lim fakulteti

tasviriy san'at va muhandislik grafikasi yo'nalishi 1-kurs talabasi

Annotatsiya: Arxitektura va dizayn sohasida yurtimizda, shuningdek, butun dunyoda ro'y berayotgan o'zgarishlar, shu sohalaridagi amalga oshirilishi kerak bo'lgan yangiliklar hamda yechimini kutayotgan muammolar.

Kalit so'zlar: arxitektura, dizayn, estetik sifat, iste'molchi, stil, qurilish, o'zgarish, yangilik, renessans.

Inson yaralibdiki, uning butun olamini go'zallik va nafosat qamrab olgan va bular insonning butun borlig'iga aylanib kelmoqda. Dostoyevskiyning quyidagi gaplari barchaga birdek tanish ekanligiga hech shubha yo'q: "Dunyoni go'zallik qutqaradi". Hayotning har bir lahzasini ushbu sehrli go'zalliksiz qanday tassavvur qilish mumkin? Kishi bir qarashda buni aqliga sig'dira olmaydi. Shuni alohida ta'kidlab o'tish joizki, inson qo'li go'zallikka tashna. Bejizga xalqimiz orasida "inson qo'li gul" iborasi keng tarqalmagan.

Biz hozirda sanoatlashgan zamonda yashayotgan ekanmiz, texnika hayotimizning ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Bularning barchasi inson aqliy salohiyatining o'sishiga turtki bo'lmoqda. Buning natijasida esa turli sohalar bo'yicha turfa xil yangiliklar va o'zgarishlar qilinmoqda. Shu sohalarining ichida arxitektura va dizaynni alohida ta'kidlasak arziydi. Bu sohalaridagi yangiliklar hayotimizga yashin tezligida kirib kelyapdi desak, also mubolag'a bo'lmaydi. Shu sababli ham XX asrni haqli ravishda "dizayn asri" deb atash mumkin. Uning yuz yillik tarixida "ilohiy buyuk asarlar" dunyoga keldiki, ularni Yevropada "dizayn ikonasi" deb atashadi. Ular dizayn taraqqiyoti shajarasini, ya'ni bosqichlarini aks ettiradi. Hozirgi kunda dizayn tarixi ham san'at va arxitektura tarixi bilan bir qatorda butun bir fanga aylanib ulgurdi.

Davlat taraqqiyotning eng muhim belgilaridan biri - xalqining tinchlik va osoyishtalikda hayot kechirishi. Shuni inobatga olgan holda yurtimizda mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab hududlarning jadal ijtimoiy- iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashga doir ustuvor chora tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda.

"Qisqa davr mobaynida mamlakatni jadal ijtimoiy-iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy rivojlantirish, birinchi navbatda, qishloq joylarida aholi uchun munosib hayot sharoitlarini yaratish, shuningdek, islohotlarni amalga oshirishda fuqarolarning bunyodkorlik salohiyatini ro'yobga chiqarishga qaratilgan qator muhim davlat va hududiy dasturlar, qonun hujjatlari qabul qilindi.

Senatorlar va deputatlar korpusi, fuqarolar yig'inlari, ommaviy axborot vositalari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari vakillarini keng jalb etgan holda, joylarda ishlarning haqiqiy ahvolini har tomonlama va chuqur o'rganish, xalq bilan bevosita muloqotning sifat jihatdan yangi va samarali shakllarini joriy etish bo'yicha aniq maqsadga yo'naltirilgan chora-tadbirlarning natijalari mazkur dasturlar hamda hujjatlarning qabul qilinishiga asos bo'ldi". [1]

"Jahon xalqlari tajribasi, ularning bosib o'tgan murakkab rivojlanish yo'llari, bu boradagi saboq va xulosalar shundan dalolat beradiki, qayerda davlat va jamiyat taraqqiy topsa, xalqning tinch-osoyishta hayot kechirishi, o'z oldiga ezgu va buyuk maqsadlar qo'yib yashashi uchun yetarli shart-sharoitlar yaratilgan bo'lsa, o'sha yerda erkin fikrlash muhiti va shu asosda ma'naviy yuksalish uchun yangi imkoniyatlar tug'iladi". [2]

Amir Temur bobomizning bir so'zlari hamisha biz yosh avlodning quloqlari ostida jarang sochib kelmoqda, ya'ni: "Agarda bizning kuch-qudratimizga shubha qilsangiz biz qurgan binolarga boqing". Chindan ham shu fikrlarning isboti o'laroq yurtimiz kundan-kunga chiroy ochib bormoqda. Osmon bilan yuzlashayotgan bir-biridan ko'rkam binolar jannatmakon o'lkamiz ko'rkiga ko'rk qo'shmoqda. Bu ham rivojlanishni, shuningdek, dunyo hamjamiyati bilan yuzlashish uchun asoslardan biridir. Uy poydevoridan boshlab qurilsa, u mustahkam va "yaroqli" bo'ladi. Shu kabi davlatning yuksalishi uchun ham yoshlarni bilimli, o'z ishining ustasi qilib tarbiyalamoq darkor. Bejiz, yoshlar- kelajak bunyodkori, deyishmagan. Shularni inobatga olgan holda arxitektura va dizayn sohasida yuksak cho'qqilarni zabt etish maqsadida o'rta maxsus kollejlarda



hamda oliy o'quv yurtlarida ularni chuqurlashtirib o'tuvchi dasturlar ishlab chiqilmoqda. "Arxitektura" bugun yoki kecha paydo bo'lgan tushuncha emas. Bu barchamizga ma'lum. Inson yo'lda yurar ekan, bahri-dili ochilishi, shuningdek, g'am-anduhlarini unutish uchun tevarak-atrofining ko'rinishi katta ahamiyatga ega. Yurtimizda so'nggi besh yillikda qurilyotgan imoratlar: ko'p xonali turarjoylar, ko'ngilochar xiyobonlar, marketlar insonning ko'zini quvontiradi. Lekin shuni ham alohida ta'kidlash joizki, asalning ham ozi yaxshi. Ya'nikim hammaga ma'lumki, qurilayotgan bu turarjoylar yuqorida ta'kidlaganimizdek, faqatgina ko'ngilxushlik uchun emas, barcha undan o'z maqsadlariga ko'ra foydalanish uchundir, lekin 5 qo'l barobar emas, deganlaridek, aholi orasida turli "tabaqa" vakillari bor. Nahotki, bu imoratlar barcha aholiga birdek xizmat qila olyapdi, deb hisoblasangiz? Achinarli tomoni shundaki, puldor kishilar bir vaqtning o'zida bir nechta turar joylarga egalik qilayotgan bir vaziyatda o'z uyiga ega bo'lmagan aholilar ham talaygina (bu fikrlar, faqatgina bizning yurtimizga emas, balki butun dunyoga dahldor). Bir qarashda g'alatiroq ko'ringan bu gaplar aslida haqiqat ekanligi barchamizga a'yon. Xalqning farovonligini o'ylash dastlabki vazifa bo'lib turganligini hisobga olgan holda, nahotki, bir xil turar joylar, bir xil market (barchasi bir-biridan ko'rkam, shuningdek, oddiy xalq uchun anchagina qimmat) va hokazolar qurilayotgan bir vaziyatda, barcha uchun qulay bo'lgan narxlarda (balki u yuqorida tilga olgan imoratlarimiz kabi bejirim bo'lmas, lekin barcha sharoitlarga ega, turmush uchun qulay bo'lishi darkor) turarjoylar qurilishi qiyin masala bo'lsa?! Albatta, xalqimizning farovonligi yo'lida zarur bo'ladigan barcha ishlar amalga oshirilishiga ishonamiz va bu ishni bajarishda arxitektorlarga katta mas'uliyat yuklanishi tabiiy.

Hamma sohaning o'ziga yarasha qiyinchilik va mashaqqati bo'lishi sir emas, biroq o'z kasbiga chin dildan mehr qo'ygan kadr uchun bu qiyinchiliklar ahamiyatsiz. Istak bo'lsa, xohish topiladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, hozirgi rivojlanayotgan biz zamonda arxitektura va dizayn eng talabgor sohalardan biri. Bu soha bo'yicha yetuk mutaxassis bo'lish va "elning duosini olib yurish" hammaga nasib etishini tilab qolamiz. Shuningdek, kim yoki qaysi kasb egasi bo'lishingizdan qat'iy nazar, hamisha "eng zo'ri" bo'ling. Zero, omad hamisha kuchlilarga kulib boqadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1."Hududlarni jadal ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni ta'minlashga doir ustuvor chora tadbirlar to'g'risida" gi PQ-3182- son 08.08.2017-yil
2. O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov "Yuksak ma'naviat- yengilmas kuch" 2008-yil



БУХОРО ЗИЁРАТГОҲЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ

Ҳожиева Ситорабону Алижон қизи

Бухоро муҳандисдик-технология институти

142-19 ДПҚМТсиртқи бўлим талабаси

Илмий раҳбар: Наврўзова Гулчехра Негматовна

“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори,

фалсафа фанлари доктори (Бухоро, Ўзбекистон)

Аннотация: Мақолада Бухоро шаҳри зиёратгоҳлари ва архитектура ёдгорликларининг ўзига хос томонлари очиқ берилган.

Таянч иборалар: Бухоро, Шариф, Қуббат ул-ислом, зиёратгоҳлар, тупроқ, обида, ансамбл.

Ўзбекистон деб аталувчи ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон тамаддун бешикларидан бири бўлган ва бутунжаҳон тан олган улуғ заминдир. Бу таббарук заминда олиму уламолар, буюк алломалар, авлиёлар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмлар шу замонда сайқал топган. Меъморчилик обидалари, зиёратгоҳлар, меъморий иншоотлар, кўхна ва боқий ёдгорликлар, бутун дунё билан тенглаша оладиган обидаларимиз маълум ва машҳурдир.

Ҳар қайси миллатнинг маънавияти тарихи, урф-одатлари, аънаналари, қадриятлари, шу юртнинг илму маърифатидан дарак беради. Амир Темури бобомиз айтганларидек: “Бизни кимлигимизни билмоқчи бўлсанг биз қурдирган иморатларга боқ”. Темурий наслидан бўлган Мирзо Улуғбек ҳам 40 йил ҳукумронлик даврида бобоси изидан борган. Шу давр мобайнида уруш бўлмаган илм-фан тараққий топган. Мирзо Улуғбек Бухоро шаҳрида қурдирган ва унинг номи билан аталадиган мадрасанинг пештоқида ҳам “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деган ҳикматли сўзининг ёзиб қолдирган. Зеро илм бор жойда миллат танназулга учрамайди.

Дунё тан олган ва ҳозиргача илм-маданият таммаддунини сифатида тилга олинадиган Бухорои Шариф олиму авлиёлари зиёратгоҳлари билан машҳур. Архитектура ёдгорлиги бўйича дунёда қанча ёдгорлик бўлса, Бухорода шу миқдорда зиёратгоҳ бор деган маълумот мавжуд. Бу шариф шаҳарнинг ҳар қарич ери бир зиёрат маскани аслида.

Қомусий олим Абу Али ибн Сино бобомиз ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган сарой кутубхонаси ҳақида шундай ёзади: Бу ер кутубхонасидан шундай китобларни топдим, уларни олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч қаерда кўрмадим. Уларни ўқиб чиқдим ва менга олам сирлари аён бўлди.

Бу табаррук тупроқда не-не буюк сиймолар дунёга келган. Кўхна Бухорони тарихчи, саёҳатчилар “шеърият ва афсоналар шаҳри” деб атаган. Бу кўхна шаҳарнинг ҳар бир кўчаю хиёбони, боғию майдони, хуллас калом ҳар бир гўшасида олис ўтмишнинг акс садоси, қолдирган изи бор. Кўкка бўй чўзган миноралар, обидаю қадамжолар, осору антиқалар инсон ақл-заковатини намойиш қилади. Бухоро Шарқу Ғарбда “Очиқ осмон остидаги музей”, “Шавкатли тарихининг жилвакор кўзгуси” деган фахрли номини ҳам олган экан. Араблар Бухорони “Мадина ут-Тужжор” (“Савдогарлар шаҳри”) ёки “Мадина ас-Суфрия” (“Мис шаҳар”) деб аташган. Исломи оламидаги етти шариф саналган шаҳарлардан бири Бухорои шарифдир. Қадимдан “Самарқанд сайқали рўи замин аст, Бухоро қуввати исломи дин аст” деб бекорга айтилмаган. Бухоро Шарқда ислом динининг кучли марказлардан бирига айланиши туфайли, унга IX асрда “Қуббат ул ислом” – “Исломи динининг гумбази” деган сифат берилган. Наршахийнинг гувоҳлик беришича, машҳур фикҳшунос олим Хожа имом Абу Хафси Кабир Бухорий туфайли Бухоро “Қуббат ул-ислом” деб аталган.

Бухорода турли асрларда бино қилинган 200 га яқин мадрасаларда ўз даврида минглаб толибу илмлар диний ва дунёвий билимларни олиб, бутун Ўрта Осиё бўйлаб зиё тарқатганлар. Шайх Сайфиддин Бохарзий фаолияти туфайли Бухоронинг шуҳрати исломи оламида яна ҳам кўпроқ тарқалди. Шу сабабли XIII асрдан бошлаб унга яна бир сифат – “Шариф” сўзи қўшилиб, у Бухорои Шариф, яъни Шарофатли Бухоро номи билан юри-



тиладиган бўлди.¹

Бухоро азалдан олтин макони бўлган. Асл тоза олтин конлари ёмбилар шу ердан топилган. Айни чоғда нафақат Бухоронинг олтин замини олдида, балки Бухорони Шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи ҳалол инсонлари олдида бош эгиш керак деган ғоя илгари сурилади. Буюк олим Абу Али ибн Сино, тарихчи Наршахий, ҳадис илми султони Имом Бухорий, тариқат алломалари Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Амир Кулол², адабиётчилар Аҳмад До-ниш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев яна биз билмаган муборак зотларнинг тупроқлари шу заминдир. Лекин ҳали номлари бизгача маълум бўлмаган қанчадан қанча табаррук сиймоларимиз борки, биз улар ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Аммо улар туфайли шу тупроқ зиёга тўлган.

Бухоро сўзи санскритча “вихара” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қалъа” деган маънони англатади. Қадимда шаҳар “Нумжикат” ва “Фахира” деб ҳам аталган. Бухоро Хитойдан Римгача олиб борувчи Буюк ипак йўлининг энг муҳим чорраҳаларидан бири бўлган. Бухоро – ўрта асрнинг 140 дан ортиқ архитектура ёдгорликларини ўзида сақлаган “Музей шаҳар”дир. Кўп асрлар аввал қурилган Пои Калон, Қўш мадраса, Исмоил Сомоний макбараси, Минораи калон каби ансамбллар бугунги кунгача барчанинг диққатида.

Архитектура аслида барча фанлар мукамаллашувидан ҳосил бўлган фандир. Чунки бу фанда тупроқни фойдаланишдан тортиб чизилган чизмаларгача билимлар мужассамдир. Бундан кўринадики, архитектура фанининг тарраққиёти асосида янги фанлар яратилгандир.

Бухоро тупроғи табаррук зотлар ётган бешик бўлса, баъзи жойларининг тупроғи шифодир. Оддий бир Бухоро Қалъалрини оладиган бўлсак, қарангки чақалоқ дунёга келса, қирқ кун мобайнида ўша қалъа тупроғи туз ва сув билан қўшилиб чақалоқ бадани ювилади. Ваҳоланки, чақалоқнинг териси биз катталарга нисбатан ўн баробар нозик. Лекин шунга қарамай бола баданида қизариш, ҳид ва ҳар хил яра чиқмаслиги учун бу тупроқдан дунёга келганидан бошлаб фойдаланамиз. Бу азиз тупроқ бизга ёшлигимиздан сингган. Чақалоқни бу тупроқ билан ювишга сабаб гўдак бадани тупроқ, сув, туз билан ювилган жойлар улғайганида ҳам терламайди, ҳидланмайди, қизармайди.

Ҳозирда обод бўлган кўпгина зиёратгоҳларимиз суви ва тупроғи барча инсонлар учун шифодир. Улардан бири Хожа Исматуллоҳ Бухорий зиёратгоҳидир бу ернинг тупроғи ва суви яраларга даводир. Кимки чин ихлос билан бу ерга келиб Оллоҳдан шифо сўраб, у ернинг тупроғидан олиб, унинг сувига аралашган қоришмани ярага суртса шифо бўлади. Саккизинчи пир Алоуддин Ғиждувоний тупроғи ва суви чилла ҳамда оқ доғларга даво бўлади. Хожа Заъфарон тупроғи, суви ва ҳавоси сарғайма касаллигида шифодир. Хожа Ўббон тупроғи, ҳаво ва суви оқ доғлар пайдо бўлганда ният қилинса шифодир.

Архитектура ёдгорликларга қарасак IX аср ёдгорликлари ўз кўркемлигини йўқотмаган. Бунга сабаб архитекторлар мохирлигими ёки ўша даврдаги хом ашёлар сифатли бўлганмики, ханузгача дунё тан оладиган зиёратгоҳлар бисёр. Она ватанимиз инсонлари шунчалар пок, соф бўлишганки, ҳаромдан ҳазар қилишган, бировнинг ҳаққини емаган, кўз-кўз риё улар учун бегона бўлган. Бундай инсонларининг фарзандига Оллоҳ назар қиладида, албатта! Бежиз бу заминнинг нури аршгача зиё таратмайди. Ҳалол лўқма, “Дил ба Ёру даст ба кор”лик бу ҳалқнинг шиори. Ҳар бир ишда ҳалоллик бўлса унда барака бўлади.

Бухоро шаҳридаги Турки Жандий зиёратгоҳи ҳам жуда машҳур, чунки бу ернинг суви Маккаю Мадинадан келади деган ривоят бор. Бу зиёратгоҳ дарвозасида ҳам ким не талаб билан келиб Оллоҳдан шифо сўраса, албатта, шифо топади деган ёзув нақш қилинган. Бухородаги Чашмаи Аййуб зиёратгоҳининг ҳам чашмалари суви шифобахш. Бухоро заминида жуда кўп кудуқлар бор. Зиёратгоҳларини эса кудуқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири шифобахшлиги ва зилоллиги инсонлар учун ҳам шифо ҳам фахрдир.

Бухоро меъморий ёдгорликларидан яна бири Ситораи Мохи Хосадир. Уни жойини танлашда оддий фалсафа фойдаланилганки, уни қуриш учун гўшти Бухоро заминининг тўрт томонига қўйиб бир ҳафтадан сўнг бориб қараганда, фақат битта жойнинг гўшти ўз ҳолатини ўзгартирмаган. Кейин ўша ерда бу гўзал, салқин ва шинам обида қурилган. Бухоро энг иссиқ жой бўлганига қарамай муҳандислар бунинг ҳам иложини топишган ва

¹ТНорова М.Ф. Сайфиддин Бохарзий. Бухоро: “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2020. 56 б.

² Наврўзова Г.Н. Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2019. 72 б.



подшоҳ дам оладиган салқин ва жуда гўзал Ситораи Мохи Хоса қурилган.

Бухоро ҳақида қанча ёзсак ҳам санаб адоғига ета олмаймиз. ISESKO томонидан 2020 йилда Бухоро шаҳри “Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилинган бутун Ўзбекистон учун фахрдир. Юртбошимиз ташаббуслари билан Бухоро Давлат университетида “Ислом тарихи ва манбашунослиги” таълим йўналиши очилди. Мир Араб мадрасаси ҳузурида “Тасаввуф илм мактаби” ташкил этилди. Наршахийнинг гувоҳлик беришича, ислом оламидаги илк мадрасалардан бири Бухорода ташкил этилиб, “Фаржак” номи остида фаолият юритган. Кейинчалик халқаро университет мақомида фикҳ, тасаввуф, ҳадис илми сингари диний, алжабр, хандаса (геометрия), тиббиёт сингари дунёвий фанлар таълимда етакчи бўлган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Призедент Шавкат Мирзиёв Янги Ўзбекистонимизда Учинчи Ренессанс даври асосини қуришни вазифа қилиб қўйдилар. Биз ёшлар бу вазифани амалга ошириш мақсадида аждоқларимизнинг архитектура соҳасидаги тажрибаларини ўрганиб, уларга муносиб, халқаро андозаларга уйғун барҳаёт ва гўзал, жаҳон тан оладиган архитектура биноларини қуриш ва безаш сирларини ўрганишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Асарлар. 15 том. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабий нашриёт, 1968. 239 – бет.
2. Бобокалонов С., Раупова Р. Хожа Исмагулло Бухорийнинг маънавий мероси. Бухоро: “Бухоро”, 2009. 48 б.
3. Наврўзова Г. Н. Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент: “Muharrir” нашриёти, 2019. 72 б.
4. Норова М. Ф. Сайфиддин Бохарзий . Бухоро: “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2020. 56 б.
5. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Т.: “Navro’z” 2015. 233-239 б.



ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ АНТИК ДАВРГА ОИД ИНШОАТИ: ШОШТЕПА ШАҲАРЧАСИ

Абдуллаев Ж.С.
“Ўзшахарсозлик ЛИТИ” ДУК
Гуруҳ мудири, архитектор
Тел: +99899 875-67-65

Аннотация: Тошкентнинг қадимийлигига далолат қилувчи манзилгоҳларидан бири Шоштепа ёдгорлиги ҳисобланади. Айнан шу ёдгорлик шаҳримизнинг илк илдиизига асос бўлган десак муболаға бўлмайди. Қадимий Тошкент шаҳрининг мозий билан боғловчи кўплаб артефактлар шаҳримиз музейлари экспозицияларида муносиб намоиш этиб келинмоқда, аммо унинг антик даври тарихидан гувоҳлик берувчи шаҳар сифатида намоиш этувчи бирорта меъморий объект мавжуд эмас. Айниқса, Ўрта Осиёнинг йирик мегаполиси сифатида қараладиган шаҳримизнинг унинг антик даври билан боғловчи кўприк сифати Шоштепа ёдгорлигининг аҳамити бекиёс. Ёдгорликнинг туризм жиҳатидан жозибадорлиги, унинг космик константалар (Куёш ва Ой) билан муносабати ва шаклнинг юмалоқлигини ҳисобга олган ҳолда, осмон жисмларини кузатиш ишлари олиб бориладиган астрономик ускуна сифатида қарашга асос беради. Шу нуқтаи назардан, Шоштепани куёш-ой расадхонаси деб ҳисоблаш мумкин. Шу манода, мазкур иншоот - Шоштепа меъморий обидаси нафақат археологик объект, балки унинг аҳолиси интеллектуал салоҳияти тимсоли сифатида қарашни талаб этади.

Калит сўзлар: Тошкент, манзилгоҳ, Шоштепа ёдгорлиги, мозий билан боғловчи кўприк, артефактлар, шаҳримиз музейлари экспозициялари, антик даври тарихи, шаҳар сифатида намоиш этувчи бирорта меъморий объект, ёдгорликнинг туризм жиҳатидан жозибадорлиги, унинг космик константалар (Куёш ва Ой) билан муносабати, осмон жисмларини кузатиш ишлари олиб бориладиган астрономик ускуна, Шоштепанинг куёш-ой расадхонаси.

ДРЕВНИЙ ПАМЯТНИК ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА: ГОРОДИЩЕ ШАШТЕПА

Абдуллаев Ж.С.
ГУП “Ўзшахарсозлик ЛИТИ”
Рук.группы, архитектор
Тел: +99899 875-67-65

Аннотация: Одно из древнейших мест Ташкента – это памятник Шоштепа. Без преувеличения можно сказать, что этот памятник был основой первых корней нашего города. Многие артефакты, связывающие древний город, достойно выставлены в музеях нашего города, но нет там архитектурного объекта, демонстрирующего историю его древних времен как город. Учитывая туристическую привлекательность памятника с точки зрения туризма, его связь с космическими константами (Солнцем и Луной) и округлостью формы, он дает повод взглянуть на небесные тела как на астрономическое сооружение для наблюдения. В этом смысле Шоштепа можно считать солнечно-лунной обсерваторией. В этом смысле надо смотреть на это сооружение не только как археологический объект, но и символ интеллектуального потенциала его жителей.

Ключевые слова: Ташкент, место, памятник Шоштепе, мост, соединяющий музей, артефакты, экспозиции музеев нашего города, история древности, любой архитектурный объект, выставленный как город, туристическая привлекательность памятника, его связь с космическими константами (Солнце и Луна), наблюдения небесных тел, солнечно-лунная обсерватория Шоштепа.



ANTIQUITY MONUMENT OF TASHKENT OASIS: SHASHTEPA TOWN

“Uzshaharsozlik LITI DUK” Group leader,
architect **Abdullaev J.S.**
Tel: + 99899875-67-65

Annotation. One of the most ancient places in Tashkent is the Shashtepa monument. It is no exaggeration to say that this monument was the basis of the first roots of our city. Many artifacts connecting the ancient city are worthily exhibited in the museums of our city, but there is no architectural object there, demonstrating the history of its ancient times as a city. Considering the tourist attraction of the monument from the point of view of tourism, its connection with space constants (the Sun and the Moon) and the roundness of its shape, it gives a reason to look at celestial bodies as astronomical structures for observation. In this sense, Shashtepa can be considered a solar-lunar observatory. In this sense, it is necessary to look at this structure not only as an archaeological object, but also as a symbol of the intellectual potential of its inhabitants.

Keywords: Tashkent, a place, a monument to Shashtepa, a bridge connecting a museum, artifacts, expositions of museums of our city, the history of antiquity, any architectural object exhibited as a city, the tourist attraction of the monument, its connection with cosmic constants (Sun and Moon), observations of celestial bodies, sunny -lunar observatory of Shashtepa.

Археологик манбаларда ҳозирги Тошкент ўрнида 2200 йил илгари обод шаҳар бўлганлиги қайд қилинган. Тошкентнинг тарихига оид аввалги тадқиқотларда 2000 йил қилиб белгиланган ва кенг нишонланган эди ҳам. Кейинги археологик тадқиқотлар шаҳар тарихи унданда чуқурроқ эканлигидан далолат беради. Ана шундай қадимийлигига далолат қилувчи манзилгоҳларидан бири бу Шоштепа ёдгорлиги ҳисобланади. Айнан шу ёдгорлик Тошкент шаҳрининг илк илдизига асос бўлган десак муболаға бўлмайди. Шоштепада олиб борилган археологик тадқиқотлар ва у ердан топилган ашёлар буни исботлайди. Ёдгорлик Тошкент шаҳрининг жанубий қисмида, Салор ва Бўрижарнинг қўшилиб Бўзсувга қуйиладиган қисмидан оқиб чиққан Жўн канали қирғоғида жойлашган. Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини Шоштепа мисолида кўриш мумкин. Иншоат дастлаб Бурғулук маданиятига оид макон бўлган. Кейинчалик қишлоқ тарзида шаклланиб, мил.авв. II асрга келиб шаҳар қиёфасини ола бошлаган. Бу шаҳар ўша пайтларда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимида ташкил топган Қанғ давлатининг узок чегарасида жойлашган. Тошкент воҳасининг дашт билан тутшиб кетган шимолий чегарасида стратегик истехком, ҳунармандчилик маркази, кўчманчи чорвадор аҳоли билан ўтроқ деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган ўзаро савдо алоқалари ривожидида асосий вазифани ўтаган. Шоштепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Жўн каналининг икки қирғоғида жойлашган қишлоқнинг излари аниқланган. Каналнинг ўнг томонидаги манзилгоҳнинг кўп қисми ғишт заводи ва турар жойлар қурилиши билан бузилиб кетиб, бир қисмигина сақланиб қолган.

Шоштепа ёдгорлиги Тошкент ҳудудидаги энг қадимги шаҳардир. Шаҳарнинг девори йирик хажмдаги хом ғишдан қурилган. Шоштепа қалъаси қадимги қишлоқнинг ҳаробалари устида бунёд этилган, шунингдек кўчманчи қабилалар қабристони устига қурилган деган фикр ҳам мавжуд. Шоштепа дастлаб, йўлакчи айланма девор ичида тўртбурчак шаклдаги иншоатнинг тўрт томонида трапеция шаклидаги “миноралар” ва айланма деворнинг ўзида ҳам 3 “минора”си мавжуд бўлган. Марказдаги бино эса ҳочсимон шаклда бўлган, равоқли пештоқдан иборат бўлиб, пухта меъморий ечимга эга бўлган. Ёдгорлик замонасининг нодир меъморий обидаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотчилар фикрича, мил.авв. II-милодий V асрлар шаҳарнинг ривожланган даври бўлган. Шоштепадан топилган топилмалар орасида энг диққатга сазоворларидан бири нуроний мўйсафиднинг сурати туширилган терракота бўлиб, унда ўша замонларда Чоч ёки Шошда яшаган қадимги аҳолининг этник қиёфаси мужассамлашган. Умуман олганда Шоштепа тарихини чуқурроқ ўрганиб борилгани сайин, унинг қадимий тарихи сирлари борган сари очила бормоқда: “Замонавий Тошкентнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Милоддан аввалги II асрга оид муҳим археологик ва меъморий обида Шоштепа ёдгорлиги, мандала (космограмма) кўринишда



бўлиб, ўзига хос ориентацияси, нисбатлари, шунингдек катта ўлчамлари (диаметри тахминан 50 метр) бу иншоатни диний аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади¹. Эътиборлиси шуки, деҳқончилик воҳалари аҳолиси учун муҳим аҳамият касб этиб келган фасллар алмашинувига боғланадиган маросимлар аниқ тизимга асосланган календарни талаб қилган. Шу боис, тарихи мозийга тақаладиган “Наврўз” айёмининг кириб келиши аниқ муддати борасида ҳам: “Шоштепанинг марказдаги тўртбурчак шаклдаги бино бурчаклари ер шарининг томонларига қараб қурилган. Шоштепа иншоатининг жойлашиш ориентациясини қадимги меъморлар хатосиз юқори аниқликда бажарганлар. Бу бизга ушбу иншоатини улкан компас сифатида қабул қилишга имкон беради. Бинонинг асосий элементларини ер шарининг томонларига шундай аниқлик билан тўғрилаш астрономик ускуна учун асосий шарт бўлиб, шунга биноан космик барқарорликни кузатиш керак бўлган”. Қадимий Тошкент шаҳрининг мозий билан боғловчи кўплаб артефактлар шаҳримиз музейлари экспозицияларида муносиб намоиш этиб келинмоқда, аммо унинг антик даври тарихидан гувоҳлик берувчи шаҳар сифатида намоиш этувчи бирорта меморий объект мавжуд эмас.

“Шоштепа иншоати баланд тепаликда жойлашган бўлиб, иншоотнинг баландликда бундай жойлашиши, унинг космик константалар (Қуёш ва Ой) билан муносабати ва шаклнинг юмалоқлигини ҳисобга олган ҳолда, осмон жисмларини кузатиш ишлари олиб бориладиган астрономик ускуна бўлиб, ана шу нуқтаи назардан, Шоштепани қуёш-ой расадхонаси деб ҳисоблаш мумкин”². Шу манода, мазкур иншоот - Шоштепа меъморий обидаси нафақат археологик объект, балки унинг аҳолиси интеллектуал салоҳияти тимсоли сифатида қарашни талаб этади: “Шоштепанинг ноёб режаси, йўлаклари, олов меҳроби, жанубий кираверишдаги маросим хумлари ва бошқа хусусиятлари ушбу иншоотнинг типологик хусусиятларига аниқлик киритишни талаб қилади. Шоштепа биносининг диний иншоатга хос хусусиятларини, шунингдек, астрономик объектлар билан аниқланган муносабатларини ҳисобга олган ҳолда, уни типологик равишда **ибодатхона расадхонаси** сифатида қабул қилиш мумкин”³.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, милoddан аввалги II аср оид Шоштепа ёдгорлиги қуёш-ой расадхонаси эканлиги, айниқса меъморий обида сифатида шаҳримиз меморчилиги тарихи антик даври тарихини ўрта асрлар меъморий ёдгорликлари ҳамда ҳозирги Тошкент архитектуравий қиёфаси билан боғловчи кўприк сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда юртимизнинг антик даври ёдгорликлари реставрацион-консервацион жараёнлари борасида етарли даражада тажрибага шаклланган. Шаҳримизнинг антик даврдан гувоҳлик берувчи Шоштепа ёдгорлиги қуёш-ой расадхонасини реставрацион-консервацион лойиҳасини бажариш вақти келган албатта.

Адабиётлар рўйхати.

1. Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи. Т.:ART FLEX. 2009 г
2. Материалы Рериховских чтений «Культурное наследие: сохраним прошлое во имя будущего». /Нуруллин Т.С. “Древняя обсерватория в Ташкенте”/ с.30-36.

¹ Материалы Рериховских чтений «Культурное наследие: сохраним прошлое во имя будущего». /Нуруллин Т.С. “Древняя обсерватория в Ташкенте”/ с.30-36.

² Ўша манба

³ Материалы Рериховских чтений «Культурное наследие: сохраним прошлое во имя будущего». /Нуруллин Т.С. “Древняя обсерватория в Ташкенте”/ с.30-36.



АРХИТЕКТОР – ОЛИМА – ПЕДАГОГ

Тошкент архитектура қурилиш институти,
Архитектура тарихи ва назарияси
кафедраси магистранти
Садикова Нилуфар Алимжановна
Тел. +998977429229. S.Nilufar@taqi.uz
Илмий раҳбар: архитектура доктори,
проф. Салимов Арифджан Муслимович

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг 1-аёл раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор, Шарқ Халқаро Архитектура Академиясининг академиги, архитектура фанлари доктори, профессор Тўлкиной Фазилжоновна Қодированинг ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилинган.

Калит сўзлар: архитектор, профессор, академия, кафедра, меъмор, олима, тадқиқотчи, тажриба, архитекторлар уюшмаси, илмий, педагог, доцент.

Аннотация: В данной статье описана образ жизни первой женщины Ассоциации архитекторов Узбекистана, заслуженного архитектора Узбекистана, академика Международной академии архитектуры народов Востока, доктора архитектурных наук, профессора Кадыровой Тулкиной Фазилджановны.

Ключевые слова: архитектор, профессор, академия, кафедра, исследователь, опыт, ассоциация архитекторов, научный, педагог, доцент.

Касблар орасида аёллар эгаллаган соҳалар бисёр. Ҳатто кўп соҳаларни аёлларга мос экан, деб қўямиз. Шифокорлик, тикувчилик, ўқитувчилик, дизайнерлик каби.... Бироқ архитектура соҳасидаги аёлларга ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас билан боқамиз. Инсон астойдил истаса, орзулари албатта, рўёбга чиқади дейишади.

Тўлкиной ҳам болаликдан архитектор бўлишни орзу қиларди. Архитектор бўлиш ниятида олийгоҳга қадам қўйган талаба, йиллар ўтиши билан архитектура соҳасида изланаётганларга илм зиёсини бериш, уларга таълим-тарбия, нафақат билим, балки меҳр-муҳаббат берувчи юксак масъулиятга эга устозга айланди.

Тошкент архитектура қурилиш институти қошидаги, «Архитектура назарияси ва тарихи» кафедрасида 20 йилдан ортиқ олиб борган педагогик фаолияти давомида, Т.Қодирова нечача талабалар қалбидан жой олган, меҳрини қозонган, уларнинг комил инсон ва архитектура соҳасида етук мутахассис бўлиб етишишларида катта ҳисса қўшди.

Профессор Т.Ф.Қодирова ҳақида ёзмоқчи бўлсам саҳифалар етмайди, чунки Тўлкиной Фозилжоновнанинг нафақат қоғозларга балки бу оламга сиғмайдиган катта қалби бор эди. Унинг ҳам ўз ҳаёти, орзулари, ютуқлари, армонлари бўлган, бироқ, унинг ҳамиша кулиб турувчи, латофатли чехрасига боқиб фақатгина гўзалликни, хотиржамликни, кувончни туярдингиз. Тўлкиной Фозилжоновна - армону ўқинчларни четга суриб қўйиб, яқинларига, талабаларга фақат яхшилик ва билим беришга ҳаракат қилган олима аёл эди[1].

Маълумки, инсон бу дунёда яшар экан, ўзидан яхши ном қолдиришга ва албатта, ўз зурриётининг ўсиб-униши ва бахтли бўлишига интилиб яшайди. Тўлкиной Фозилжоновнанинг масъулияти, вазифалари, оила ва жамиятдаги ўрни... Уларни икки қўлида тутишга, таълим – тарбия бериш баробарида, иккинчисини тўлдиришга интилган, ана шу интилишлари, билими, қалбидаги эзгуликнинг ортидан ўзи ҳам обрў - эътибор топган аёллардан бири эди.

Ҳаётда шундай дақиқалар, йилларга тенг лаҳзалар бўладикки, сен кадрига етмаган ана шу дақиқалар вақт ўтиб, сен учун нақадар азиз ва муқаддас эканлигини англайсан... Т.Қодирова ҳаётида ушбу кунларнинг кадри биринчи навбатда шаҳарларимизнинг гўзаллиги, ободлиги билан ўлчанади...

Архитектура фанлари доктори, профессор Тўлкиной Фозилжоновна Қодирова мустақил Ўзбекистонимизнинг бир-биридан гўзал шаҳарлари меъморчилигига ўз ҳиссасини қўшган, шу билан бирга жамиятда ва архитектура соҳасида ўз ўрнини топган, олима аёл эди.

У миллий архитектура кадрларини тайёрлашдаги катта хизматлари учун» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор» унвонига ҳамда бир неча Давлат мукофотларига сазовор бўлган. У замонавий архитектурага



оид 50 га яқин дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисоалар, монографиялар, ва юзлаб илмий мақолалар чоп этган.

Тўлқиной Фозилжоновнинг асосий илмий фаолияти мустақиллик йилларига тўғри келди. Замонавий архитектуранинг янги давр талаблари асосида, ўқув жараёнларини ҳолис ва аниқ акс эттирувчи дарсликлар яратди. Сермахсул тадқиқотчи сифатида нафақат юртимизга, балки бутун дунёга танилди. Илмий ишлари билан Ўзбекистон архитектураси фанига салмоқли ва муносиб ҳисса қўшди. Билим, тажриба, тиришқоқлик ортидан обрў-эътиборга эга бўлиш учун ўз кучи, қобилиятига ишонч, журъат ҳар бир соҳада эришиш мумкин бўлган ютуқлар калитидир, айниқса архитектура соҳаси ходимлари учун бу хислатлар жуда ҳам зарур ва муҳимдир.

Олима ўтган 50 йиллик иш фаолияти давомида, яъни Ўзбекистон илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтидан бошлаб, 1980-1992 йиллар давомида Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси раиси вазифасини бажариш билан бирга ана шу соҳада илмий-педагогик ишларини ҳам давом эттириб, мустақиллик йилларида ёшларга илм берди. Доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлаш билан бир қаторда, Республикамиз жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди, кўп йиллар давомида: 1986 йилдан «Хотин-қизларнинг меҳнати, дамолиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари комиссияси»нинг раиси ҳамда «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси» раиси сифатида ҳам фаолият олиб борди[2].

Чехословакия, Болгария, Миср, Италия, Англия, Ирландия, Канада, Покистон, Стамбул, Япония, Америка ва яна бошқа мамлакатларда халқаро Архитекторлар конгрессларида, «Маданият кунлари» каби қатор тадбирларда Ўзбекистондан вакил сифатида иштирок этди.

Тўлқиной Фозилжонова 2 нафар фарзанднинг онаси, 5 та набиранинг меҳрибон бувижониси эди. Нафақага чиққан бўлса-да, умрининг охири кунларигача меҳнат қилишдан толмади. Қатъиятлилиқ, ҳаққонийлик, бир сўзлилиқ унга хос фазилатлардан эди. Унинг ҳаёти атрофдагиларнинг қувонч ва ташвишлари билан чамбарчас боғланиб кетган, характерида бировнинг дилига озор бермаслик, барчага яхшилиқ қилиш, оғирини енгил қилиш, меҳр кўрсатиш ва самимийлик устувор хислатлардан эди[3]. У ғийбат ва тухматни ёмон кўрувчи, садоқатни, очиқ кўнгиллилиқни қадрловчи олима аёл эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ў.Шокиров, Ф.Ашрафий, И.Шокирова “Ўзбекистон маданияти намояндалари”//А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр, Т.-2001, 164-165 бет.
2. М.Содиқова “Ўзбек олималари” I-китоб// Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, Т.-2004, 26-27 бет.
3. “Мамлакатимиз илм-фани, техникаси, маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётида олима аёллар ўрни” (илмий ишлар тўплами)// Тошкент Архитектура Қурилиш институти, Т.-2007, 4-5 бет.



КОНТЕЙНЕРНЫЕ И СТРИЖЕННЫЕ РАСТЕНИЯ В ВЕРТИКАЛЬНОМ ОЗЕЛЕНЕНИИ ШКОЛЫ ШКОЛЬНОЙ ТЕРРИТОРИИ

Магистрант 2- курса О.О. Олимова
Научный руководитель канд.арх.наук Дробченко Н.В.
Самаркандский Государственный
Архитектурно-строительный Институт им.
М. Улугбека, Самарканд, Узбекистан
e-mail:odinaolimova2020@gmail.com

Аннотация: в статье рассмотрены вертикальное озеленение с использованием ампельных растений, а также растения с заданной формой кроны.

Ключевые слова: вьющиеся растения, «живые стены», лианы, ампельные растения, топиарная стрижка.

Abstract: the article discusses vertical gardening using ampelous plants, as well as plants with a given crown shape.

Key words: climbing plants, «living walls», lianas, ampelous plants, topiary haircut.

На территории школ интересно применять вертикальное озеленение с использованием ампельных растений [1]. Стоячие высокие вазоны могут послужить вертикальным акцентом в одном из уголков территории школы.

Наряду с хорошо известными ампельными сортами пеларгоний, фуксий, бегоний, петуний, культивируются новые растения для вертикального озеленения, то есть гибридные формы[2]. Все большее применение в подвесных корзинах находят вьюнки. Очень эффектными могут быть сочетания нескольких видов растений с разной пластикой листа, контрастной или, наоборот, близкой окраской цветков. Но не стоит допускать излишней пестроты, лучше ограничиться 2-3 оттенками. Прекрасным дополнением ярко цветущим растениям станет плющ или пестролистный хлорофитум, низкорослые сорта амаранта с длинными свисающими соцветиями красного, розового или зеленого цвета[3].

При выращивании растений в контейнерах тоже можно использовать опоры. Их несложно изготовить из проволоки в форме шара, или простой фигуры. На такой опоре будет комфортно вьюнам или плющу.

Еще одним видом контейнерного вертикального озеленения являются подвесные цветочные башни и вертикальные клумбы, представляющие собой расположенные ярусами емкости с растениями. Вертикальные клумбы могут быть изготовлены из бетона, пластика или нержавеющей стали.

Новинками в области контейнерного озеленения выступают вертикальные цветочные клумбы/башни, которые представляют собой набор емкостей с растительностью, размещаемые на различных по высоте ярусах. Они бывают бетонными, пластмассовыми, выполненные из нержавеющей стали.

Представленные башни способны оживить как городские улицы, скверы, так и приусадебные участки, позволяют ежегодно формировать живописные уголки из однолетних/многолетних растений.

Особенности посадки, ухода за контейнерными растениями

1. В контейнеры допускается высаживать растения, устойчивые к засухе и ветрам.
2. Субстрат, в который помещается растительность, предварительно стоит обогатить питательными веществами, минеральными удобрениями. Последние должны быть в виде гранул с пролонгированным эффектом, в противном случае требуется еженедельная подкормка почвы.
3. Не стоит удобрять почву органическими составами — в таком случае растительность развивает огромную вегетативную массу, ухудшается её цветение.
4. Для увеличения влагоёмкости в субстрат вносится суглинок, специальный гидрогель, цеолит.

Помимо лиан, функцию вертикального освоения пространства с успехом выполняют деревья и кустарники с заданной формой кроны (Рис. 3).

С помощью шпалер можно создавать не менее декоративные живые стены, чем из лиан[4].



Они представляют собой однорядные посадки древесных культур, сформированные на опорах - шпалерах путем целенаправленной стрижки в виде узкой стенки.

Однако самым классическим приемом формирования искусственной формы растения является топиарная (фигурная) стрижка деревьев и кустарников. Для топиарной стрижки могут использоваться вязы, липы, клены татарский, красный и полевой, боярышник, калина, бирючина, миндаль трехлопастной, жимолость. Из хвойных – туя западная, можжевельники обыкновенный, высокий, виргинский. Для создания сложных фигур подбирают древесные породы с мелкими листьями и густым ветвлением, наилучшим образом этим требованиям отвечает самшит.

В последнее время классическое топиарное искусство во всем мире уступает место новому направлению – созданию фигур из однолетников или лиан на проволочном каркасе. Можно использовать также некоторые многолетники, например, очитки, молодила, злаки [5].

Литература:

1. Улейская Л.И. «Вертикальное озеленение» - М., 2001
2. Шиканян Т.Д. Азбука ландшафтного дизайна - М., 2006
3. Дробченко Н.В. Основы ландшафтного дизайна – С., 2019
4. Иванова З.Я. Экзотические лианы - М., 2005
5. Плотникова Л.С. Лианы» - М., 2005



RENOVATIONS OF MEMORIALS IN UZBEKISTAN

Khalmuratova Nasiba Egamberganovna

No 17 comprehensive school of Yangibazar district, Khorezm region

Teacher of an English Language

e-mail: nasiba.xalmuratova@mail.ru

Annotation: This thesis focuses on the reconstruction of architectural monuments and town-planning complexes in historical cities of the Republic of Uzbekistan such as Samarkand, Bukhara and Khiva.

Keywords: architectural, civilization, monument, town-planning, Registan ensemble, Ulugbek Madrasah, construction, design, engineering.

Architecture is the art of designing, constructing and decorating buildings, and all stages of human development and it can be observed in architectural structures. There are some examples of constructions that are convenient (for their time). They form the general appearance of cities. Archaeological excavations have uncovered ancient structures that have been buried underground for centuries. Architecture is the art of construction, in which the form of an object is constructed in accordance with the laws of beauty.

Uzbekistan is one of the oldest centers of world civilization. There are many ancient monuments made of cotton and guava, as well as architectural structures restored from baked bricks and sinks. Of particular interest are the monuments of medieval architecture with magnificent tiles. The uniqueness of the historical complexes and monuments of Uzbekistan, including the UNESCO World Heritage Sites - Khiva, Bukhara, Samarkand, plays an important role in the development of world civilization.

Only during the years of independence did the creative activity of repairing architectural monuments become widespread. Reconstruction of architectural monuments and town-planning complexes in historical cities has become a state policy of the Republic of Uzbekistan.

In preparation for the anniversary, Bukhara was born for the second time. All the ancient architectural monuments have been restored and now they are dazzling tourists with all their splendor. The earliest surviving masterpieces of Bukhara date back to the IX-X centuries. Among them, the bus to this day - a magnificent monument that has all survived - is the tomb of the Samanids. Unfortunately, it turned out that this monument is slowly sinking. The necessary measures were taken immediately, and now the monument impresses with its scale and perfection of shape, and the walls made of baked bricks are reminiscent of hand-woven embroidery. The territory of the monument has been landscaped, a modern park has been built using traditional gardening methods.

Registan and its environs were beautified. Ulugbek Madrasah is one of the oldest madrassas in Central Asia, which has also been partially renovated and is still amazing. At the celebrations of the 2500th anniversary of Bukhara, President of Uzbekistan L.A. Karimov took part and in his congratulatory speech he noted the following: "There is a lot of talk on the roof of the madrasah built by Mirzo Ulugbek in 1417 in Bukhara:

One of the oldest cities in Uzbekistan is Khiva. In the planned structure, the city consists of three parts: the castle - the ancient Ark, Shahrstan - Ichon Qala and rabot - Dishon Kala. The city is protected by thick walls with towers and gates. Behind it, you will see a series of architectural complexes and monuments, such as strings of strings. The first President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov, in his congratulatory speech on the 2,500th anniversary of Khiva, described it as "a pearl of our land." Among the many mosques in Khiva, the Juma Mosque is particularly noteworthy. According to the Arab traveler al-Maqdisi, it was built in the X-XI centuries. Over time, the mosque was demolished, and in 1788 a new mosque of the same design was built on the site. A special feature of this mosque, which was built in the center of Ichon Qala, is that it can be called a place of carved columns. There are 212 columns, of which 25 have survived. The mosque has come back to life and continues to function as a place of enlightenment.

Samarkand. Much has been done in Samarkand to protect and repair architectural and cultural monuments. Registan ensemble is the largest public institution, the central square of Samarkand.



Currently, the renovated Registan building is under construction. Two of them, Sherdor and Tillakori Madrasahs, were built in the 17th century, and the third on the west side of the square was built in the 15th century by Ulugbek. In 1991-94, the madrasah was completely renovated, especially as its interior lay in ruins; the second floor of the madrasa, which had been demolished in the 19th century for unknown reasons, was rebuilt. In cooperation with UNESCO, a “needle-punching guide” and a computer transmitter to record the collapse of the foundation of the Tillakori Madrasah have been launched in Uzbekistan to increase the engineering and practical resilience of cultural heritage. On the occasion of the 660th anniversary of Amir Temur, major repairs and beautification works were carried out. The monuments of Guri Amir and Ruhobod were repaired.

Literature:

1. Architectural design. reja.tdpu.uz
2. T.F.Kadirova. History of culture, architecture and town-planning. Tashkent. 2012.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(13-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000